

ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-мартида Бухоро вилоятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) нинг ҳажми 4325,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 6,3 фоизга тенг бўлди. ЯҲМ дефлятор индекси 2018 йилнинг январь - мартдаги нархларга нисбатан 131,8 фоизни ташкил этди.

Январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари ЯҲМ ишлаб чиқариш

	млрд.сўм		2018 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2018 йил	2019 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	3088,0	4325,2	106,3
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2798,0	3864,9	106,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	290,0	460,3	108,1
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2798,0	3864,9	106,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	814,6	985,4	103,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	790,9	1364,0	108,8
саноат	599,9	1094,3	101,7
қурилиш	191,0	269,7	131,3
Хизматлар	1192,5	1515,5	106,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	325,7	387,9	105,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	288,3	319,2	103,9
бошқа хизматлари	578,5	808,4	108,3

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб килди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,0 фоиз (ЯҲМ таркибидаги улуши – 25,5 фоиз), саноат – 101,7 фоиз (28,3 фоиз), қурилиш – 131,3 фоиз (7,0 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 105,6 фоиз (10,0 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 103,9 фоиз (8,3 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 108,3 фоиз (20,9 фоиз) ни ташкил этди.


ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда
(2019 йил январь-март ойларида)




Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири, хизматлар (39,2 фоиз), саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (35,3 фоиз) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (25,5 фоиз) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)

2018 йил январь-март



2019 йил январь-март




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 60,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2018 йил январь-март ойларида 67,4 фоизни ташкил қилган.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)**

2018 йил январь-март

2019 йил январь-март



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

2019 йил январь - мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 39,2 фоиз (2018 йил январь - мартда 42,7 фоиз) ни ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 10,0 фоизни (2018 йил январь - мартда 11,6 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари – 8,3 фоизни (10,3 фоиз), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 20,9 фоизни (20,8 фоиз) ташкил этди.